

## "ЁШЛАР КУНИ"га бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-йил 30-июн куни ўтказилган Қурултойида, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқини ташкил этиш ва айнан шу сана 30-июн Юртимизда "Ёшлар куни" сифатида нишонланишини таъкидлаб ўтган эди. Шу мақсадда, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти фаол ёшлари, факултет етакчилари жамоаси томонидан онлайн конференция орқали, олдин шу ташкилотда меҳнат қилиб ҳозирда ҳам турли соҳаларда фаолият олиб бораётган Фахрий ёшлар билан онлайн учрашув ташкил этилди. Онлайн учрашув очиқ тарзда бўлиб ўтди, бунда Институтимиз раҳбарияти, профессор ўқитувчилари, талаба ёшлар, магистрантлар, ёшлар иттифоқи фаоллар жамоаси иштирок этишди. Бундай конференция учрашувларидан мақсад айнан шу соҳада муқаддам фаолият юритган, тизимни шакиллантиришда ўз ҳиссасини қўшган тажрибали мутахассислардан таклифлар, маслаҳатлар ва стратегик йўналишлар бериши мақсад қилиб олинган.



Конференцияни институтимиз Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Рузимурат Чориев очиб ёшларга ўз тавсияларини бериб ўтди. Шу қаторда институт Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси сифатида кўп йиллик тажриба эга Алимов Учқун ҳам, ўз тажрибасидан келиб чиқиб кўплаб керакли тавсияларни бериб ўтди. Ёшларда албатта мустақил фикр, эркин гапириш, танқидий ва таҳлилий ғояларини очиб беришда Нотиқликнинг улкан ўрни мавжуд, шундай тажрибаларни улашиш мақсадида Нотиқлик санъати академияси директори Раҳимбой Жуманиёзов ёшларга ўз тажрибасини улашди. Шу қаторда ўз тенгдошларига байрам табригини йўллаш мақсадида кўплаб талаба ёшлар сўзга чиқди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, институтимиз фахрига айланган "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби Акмал Бердимуродов ҳам мақсадларига эришишдаги стратегик йўлларини ва пировард мақсадга эришиш йўлларини баҳам кўрди. Конференцияни ташкил қилишда ҳар доим ёшларни қўллаб-қувватлаб турган институтимиз раҳбариятига миннатдорчилик билдираимиз.